



ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июль куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Сўнгги йилларда Tashkent city мажмуасида улкан иншоотлар барпо этилди. Айни пайтда унинг "Пахтакор" метро бекати тарафида йирик савдо маркази қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бўлиб, пидедалар ва автомобиллар учун яратилган шароитлар билан танишди. Келгусида ҳаракат янада кўпайишини инобатга олиб, Ботир Зокиров ва Навоий кўчалари кесишмасида йўл ўтказкич қуриш, пидедалар йўлакларини қулайлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Навоий, Ойбек, Нукус кўчалари бўйлаб юриб, йўллардаги шароитни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди.

Транспорт инфратузилмаси билан боғлиқ яна бир лойиҳа - Тошкент халқаро аэропорти ёнидаги кўприк. Автомобиллар қатновига қулайликни ошириш мақсадида у кенгайтирилиб, қўшимча эстакада қурилмоқда. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади. Айланма шаклидаги чиқиш-тушиш йўллари қайрилиб олиш хавфини йўқотиб, ҳаракатни осонлаштиради.

Президентимиз бу ердаги қурилиш жараёнини кўрди, атрофни қўқаламзорлаштириш, манзарали дараклар экиш кераклигини айтди.

Бугун пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ҳам бунёдкорлик жадал. Шу боис яшил боғларни сақлаб қолиш жуда муҳим. Абдулла Қодирий ва Кичик ҳалқа йўли орасидаги Элбек боғи ана шундай сўлим масканлардан. Давлатимиз раҳбари бу боғни асраш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент-Шарқий» аэропорти қурилишини ҳам бориб кўрди.

Бу аэропортнинг умумий майдони 693 гектар. Лойиҳага кўра, унда 4 километр узунликдаги учиб-қўниш йўлаги, замонавий терминаллар, самолётлар учун ангар ва перронлар бўлади. Аэропорт ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам учиб-қўнишни таъминловчи ИСАО III-A тоифасидаги замонавий радиотехника ва метеорология асбоб-ускуналари билан жиҳозланади.

Бугунги кунда учиб-қўниш йўлаги ва юқори мартабали меҳмонлар терминали биноси барпо этилган. Президент уларни кўздан кечирди. Галдаги қурилиш ишларини молиялаштириш, терминалнинг ташқи кўриниши ва делегациялар учун қулайликларни қайта қўриб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

У.А.

Бухорода "Наршахий" истироҳат боғи очилди

Бухоро шаҳри катта қурилиш майдонига айланган, десак муболага бўлмайди. Шаҳарнинг кўплаб ҳудудларида аҳоли турар жойлари, иншоотлар, йўллар, шунингдек, аҳоли дам олиш масканлари бунёд этилмоқда. Ана шундай иншоотлардан бири солиқ Тўқимачи деҳқон бозори ўрнида барпо этилган "Наршахий" истироҳат боғидир. Боғ учун Алпомиш ва Мустақиллик кўчалари кесишмасидаги очиқ, бўш турган ер майдонидан 1,7 гектар ажратилди.



Боғни барпо этиш учун "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида 1000 тулга яқин даракт кўчатлари ўтказилди. Аҳоли дам олиш учун махсус шийпончалар, велоўлак ва пидедалар йўлакчалари барпо этилди. "Golden Igan" МЧЖ қурилиш корхонаси томонидан тунги ёритиш чироқлари, 60 донга ўриндиқлар ўрнатилди. Шунингдек, 25x5 ҳажмдаги 2 қаватли фаввора ва 5 метр баландиликда кириш дарвозаси ҳам бунёд этилди.

Истироҳат боғида коммуникация тармоқлари ҳам янгиланди. 200 метрдан электр кабеллари тортилиб, янги трансформатор ўрнатилди. Савдо қилиш учун 8 донга 6x3 ҳажмдаги енгил конструкцияли контейнерлар ўрнатилди.

Наршахий боғи "Бухоро тарихи" асарининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жавҳар ан-Наршахий номи билан аталган. Наршахий 943-944 йилларда мажмур асарни араб тилида ёзган.

Наршахий номи Ўрта Осиёнинг 8-12 асрлар тарихига оид деярли барча илмий-тадқиқот ишларида тилга олинади. Аммо манбаларда унинг ҳаётига оид бирор тўлиқ маълумот келтирилмади. Мухими шундаки, Наршахий томонидан 1000 йиллар муқаддам ёзилган "Бухоро тарихи" асари тарихнавислик фанидаги дастлабки асарлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Бухоро тарихининг қимматли бош манбаи сифатида эътироф этилади. Кенг жамоатчилик вакиллари билан тақдирларига кўра, Бухоро шаҳрида янги бунёд этилган мажмур боғ ана шу буюқ аллома шарафига бағишланди, деб ёзади У.А. мухбири Зариф Комилов.

Халқимизнинг "Яшидан боғ қолади" деган азалий нақли бор. Бу ҳикмат айни кунда янгича мазмун ва моҳият касб этган. Юрт ободлиги ҳам шу каби эзгу амаллардан бошланади. Кўнгилга фойз беради, яшашимиз мазмунини белгилайди. Бу боғ ҳам минг йиллар давомида келажак авлодга хизмат қилади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Қурилиш соҳасида очиқ ва шаффоф назорат ўрнатилади

Фарғона шаҳридаги "Тадбиркорлар маркази" да Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари бошчилигида "Коррупция - ривожланишимизга тўсиқ" мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, ҳудудда фаолият олиб бораётган лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Унда вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Ж.Файзиев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда "Коррупцияга қарши муроасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича мулоҳаза юритилди. Шу билан бирга, соҳада коррупцияни келтириб чиқарувчи

айрим омиллар ҳақида сўз борди. Тизимда очиқ ва шаффоф назорат ўрнатилиши қурилиш объектида рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг бевосита олдини олишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида билдирилган фикр ва хулосалар асосида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ҳамда соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди. Ҳудди шу мавзудаги семинар Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ҳам ўтказилди. Маъмур семинар ҳудудлар бўйлаб давом этмоқда.



Муҳим масалалар муҳокама қилинди

Сўнгги пайтларда аҳоли билан қурувчи ташкилотлар ўртасида шартнома шартларининг бузилиши ёки уй-жойларни белгиланган муддатларда топширмаслик каби ҳолатларга дуч келинмоқда. Бу эса кўплаб аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти.

Масалани концептуал жиҳатдан ҳал қилиш, мавжуд муаммага ечим топиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан йиғилиш ўтказилди. Унда Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси мутасаддилари, шунингдек, нуфузли қурилиш компаниялар вакиллари иштирок этишди.

Муҳокамаларда турли фикрлар ўртага ташланди. Хусусан, одамларнинг ўз вақтида, сифатли ва арзон уй-жой сотиб олишдаги ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар эътироф этилди. Шунингдек, дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда аҳоли ва қурувчи компаниялар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга оид тақлифлар



Билдирилди. Мунозараларда ҳар бир жиҳат чуқур таҳлил қилинди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Меҳнат муҳофазаси ҳамиша эътиборда

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилиш ишлари ва ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича навбатдаги ўрганиш ишларини ўтказди.



Ўрганиш ишлари Яшнобод тумани Паркент кўчаси ҳудудида жойлашган буюртмачи "Golden House Property Group" МЧЖ томонидан қурилиш турар жой бинолари ва савдо ҳудудлари қурилиш объектида олиб борилди.

Учрашувда ишчиларга яратилган шарт-шароитлар ўрганилиб, иш ҳақларини вақтида бериш, меҳнат шартларини яхшилаш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича кўрсатма берилди. Шу билан бирга, ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид муаммо ва тақлифлари тингланди ҳамда келгусида бундай ҳамкорликдаги ўрганиш ишларини доимий равишда амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

"Менинг уйим" биллинг тизими янада қулай бўлди

"Менинг уйим" ахборот тизими бўйича келиб тушган тақлифлар, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мақсадида янги ҳавола ишга туширилди.



Хусусан, "Менинг уйим" биллинг тизими куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар билан тўлдирилди:

1. Аҳоли ва Бошқарув сервис компанияси ўртасида мурожаатлар алмашинуви, яъни аҳоли кабинет ёрдамида мурожаат юбориши мумкин ҳамда компания биллинг орқали келиб тушган мурожаатга жавоб йўллаш имкони мавжуд.
 2. Тизимда ҳисоб-китобларнинг аниқлиги қайта кўриб чиқилди ва эски саналар билан ишлаш тўхтатилди.
 3. Аҳоли учун Бошқарув сервис компанияси томонидан киритилаётган қулай ҳисоботларнинг мавжудлиги.
 4. Янги биллинг тизими қулай интерфейсга (дизайн) эга бўлди.
 5. Компания кабинетига асосий кўрсаткичлар фойдаланувчига қулай тарзда акс этади.
 6. Аҳолидан мажбурий бадал тўловларни қабул қилиш жараёнида тизимда квитанция қабул қилиш йўлга қўйилди.
 7. Тўловлар ва ҳар қандай тизимга киритилмайдиган ҳужжатлар Э-ИМЗО электрон калит орқали тасдиқланади. Бунда ҳужжатларни ким томонидан киритилгани янада аниқ бўлади.
 8. Тарифлар кенгайтмаси пайдо бўлди, яъни тариф айнан нимага сарфланиши киритилди.
 9. Ииғилиш баёнлари Бошқарув сервис компанияси томонидан биллинг тизимига киритилиб борилади.
 10. Аҳоли кабинет ёрдамида биллинг киритилган ҳар бир маълумотни кўриб бориш имкониятига эга бўлди.
- "Менинг уйим" ахборот тизимидagi янгиликларни маълум ходимлар ва ҳудудлардаги бошқарув органлари мутахассисларига тушунтириш мақсадида режа-график асосида ЗООМ платформаси орқали амалий семинарлар ташкил қилинмоқда.

Хунардан ризқ унади – хунарманд ривожланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 12 июнь куни “Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Муҳбиримиз Муҳиддин МАҒЗУМОВ мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва вилоятда соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида “Хунарманд” уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон ВАЛИЕВ билан суҳбатлашди.

– Фармоннинг мазмун-моҳияти ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

– Фармонда “Хунарманд” уюшмасига ҳудудларда хунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини алоҳида ёндашувлар асосида ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, аynиқса, хунармандчиликнинг йўқолиб кетаётган турларини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш устувор вазифа сифатида юклатилди. Бунинг учун хунармандларга бир қатор имтиёз ва қулайликлар берилди. 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида қасанчилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларнинг камида 70 фоизи ана шундай лойиҳаларни молияштиришга йўналтирилади.

Шу йил 1 июндан 2025 йил 1 январга қадар “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги” ва “Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри”га киритилган хунармандлар учун календарь йил давомида хунармандчилик махсулотларини (ишлар, хизматлар) реализация қилишдан тушган тушунинг 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдори бўйича айланмадан олиннадиган солиқ ставкаси 50 фоизга қайтарилди.

Бугунги кунда Миллий каталогда 353, Туризм реестрида эса 1209 нафар хунарманд мавжуд. Товар белгиларини миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади. Булардан ташқари, қасанчилик асосида уй шариоатида ишлайётган ноғиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

– Бошқарма фаолиятидаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратсак, натижалар эътирофга лойиқми?

– 2022 йил якунига кўра вилоятда жами 2221 нафар хунарманд фаолият олиб борган ва буларнинг 644 нафари хотин-қизлардир. Умуман, ўтган йили “Уста-шоғирда” анъанаси доирасида 7010 та янги иш ўрни режалаштирилган ҳолда амалда 7 248 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Яъни, уста хунармандлар – 945 нафар, шоғирлар эса – 6 303 нафарни ташкил этди. 100 дан ортиқ маҳаллий, республика, халқаро ва хорижий кўргазмаларда 500 дан зиёд хунарманднинг иштироки таъминланди. Мисол учун, май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган “Халқаро зардулик ва заргарлик фестивали”, Тошкент



сувенерлари” кўргазмаси, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида ташкил этилган кўргазмаси шулар жумласидан.

Шунингдек, Россия Федерациясининг Самара шаҳрида ўтказилган “Made in Uzbekistan” халқаро ярмаркаси, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Graft Fair Uzbekistan – 2022” хунармандчилик ва технологиялари ярмаркаси ҳамда вилоятимизда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Аёл – миллат кўзгуси”, “Хон атлас”, “Асал” номли фестивалларни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. 40 нафар хунарманд томонидан АҚШ, Латвия, Литва, Грузия, Белгия, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркия, Беларуссия ва бошқа давлатларга 400 минг доллар қийматидаги махсулот экспорт қилинган

ин янада эътирофга сазовор. Бу борада ўз хунарининг моҳирлари ҳисобланган Абуали Сайдуллаев – кулолчилик махсулотлари, Хайрулло Каримов – миллий пичоқлари, Ҳаким Тожибоев – каштачилик ва Аюбхон Алиев – ёғоч қаравот, сўрилари ҳамда Иброҳим Тимирбаев – металлдан ясалган ўчоқлари билан донг таратган.

2023 йилда 1260 нафар уста ва 3 975 нафар шоғирд ҳисобига 5 235 та янги иш ўрни режалаштирилган бўлиб, 1 июль ҳолатига 346 нафар уста хунарманд ва 2 611 нафар шоғирд ҳисобига жами 2 957 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, Латвия, Литва, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркия давлатларига 100 минг доллардан ортиқ

қийматдаги хунармандчилик махсулотлари экспорт қилиниб, 30 га яқин турли хил маҳаллий ҳамда республика миқёсидаги кўргазма ва фестивалларда 300 нафардан зиёд хунарманднинг иштироки этиши таъминланди. Бундай амалий чора-тадбирларни йил мобайнида тизимли давом эттириб, кўрсаткичларни ошириб бориш кўзда тутилган. Қолаверса, аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш мақсадида маҳаллаларда тажриба бериш бўйича аукцион савдолари фақатгина Миллий каталог ва Туризм реестрига киритилган хунармандлар орасида ўтказилди. Бунда хунармандчилик фаолияти билан шугулланиш учун ижарага бериладиган маданий мерос объектилари рўйхати Маданий мерос агентлиги томонидан шакллантирилади. Таъкидлаш жоизки, Халқаро кўргазма ва фестивалларда хунармандлар ва ноғиронлиги бўлганларга ҳамроҳлик қилиувчиларнинг бориб-келиш харажатлари – “Хунарманд” уюшмаси ҳисобидан; миллий услубдаги павильонлар яратиш, махсулотларни тарғибот қилиш харажатлари – Хунармандчилик ва қасанчиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

– Хунармандчиликнинг ривожланишида қандай қўлқўришлар кўриляпти?

Эътибор беринг, хунармандчиликнинг йўналишлари амалдаги 34 тадан 43 тага қўлайтирилди. Яъни, йўқолиб кетаётганларини асраб қолиш ва ривожлантириш мақсадида қўшимча 9 та фаолият тури рўйхатга қўшилди. Хусусан, от ойналиги тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 500 миллион сўм маблағнинг 350 миллион сўми хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Хунармандларга тизимли ва марказлашган ҳолда субсидия ва бошқа кўмак чораларини тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги “Қасанчиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” сифатида қайта номланмоқда. Ушбу жамғарма ҳисобидан хунармандларга жами 5 турдаги субсидиялар ажратилади. Янги субсидия ҳисобидан ноғиронлиги бўлган хунармандларнинг иш жойини мослаштириш учун 12 миллион сўмгача маблағ берилади. Шунингдек, амалдаги 4 та субсидия янги Жамғармандан берилади. Булар – ёшларни хунармандчиликка ўқитишга (660 минг сўм), асбоб-ускуна ва жиҳоз харид қилишга (8,2 миллион сўмгача), махсулотларни онлайн сотиш ва реклама қилишга (8,2 миллион сўмгача), “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадалини тўлаш учун (330 минг сўм). Шунингдек, давлат буюртмачиларига хунармандлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра улар томонидан ишлаб чиқарилган хунармандчилик махсулотларини харид қилишга рухсат берилади. 2023 йил 1 июлдан хунармандчилик махсулотларини экспорт қилишга халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари сифатида жўнатиш харажатларининг 50 фоизи (экспорт ҳийматининг 50 фоизига) Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади.

Давлат мулки бўлган маданий мероснинг қўймас мулк объектларида хунармандлар жўлашувини таъминлаш мақсадида 2023 йил 1 июлдан мазкур объектилардаги биноларни ижарага бериш бўйича аукцион савдолари фақатгина Миллий каталог ва Туризм реестрига киритилган хунармандлар орасида ўтказилди. Бунда хунармандчилик фаолияти билан шугулланиш учун ижарага бериладиган маданий мерос объектилари рўйхати Маданий мерос агентлиги томонидан шакллантирилади. Таъкидлаш жоизки, Халқаро кўргазма ва фестивалларда хунармандлар ва ноғиронлиги бўлганларга ҳамроҳлик қилиувчиларнинг бориб-келиш харажатлари – “Хунарманд” уюшмаси ҳисобидан; миллий услубдаги павильонлар яратиш, махсулотларни тарғибот қилиш харажатлари – Хунармандчилик ва қасанчиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Худудларда 2023-2024 йилларда 29 та кўргазма ва фестивалларни ташкил этиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Фармонга кўра, Тошкент шаҳар ҳокимилиги ва “Хунарманд” уюшмаси 2024 йил 1 мартга қадар маҳаллий бюджет маблағларининг ортириб бажарилган қисми ҳисобидан “Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудудда захирадаги 0,3 гектар ер майдонида “Хунармандлар маскани” барпо этилиб, хунармандларга жойлар ижарага берилади. Ушбу масканда намойиш зали, “уста-шоғирда” мактаби ва устaxonалар ташкил этилади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

БСКЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Муаммолар ўз ўрнида ечим топяпти

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Кўп қаватли уйларда афзалликлар бисёр. Бунинг уларда яшаётганлар ва хизмат кўрсатаётганлар яхши билишади. Шундай қулайликлар, аynиқса, коммунал хизматлардан баҳрамандликда яққол намоен бўлади. Тўғри, хизмат соҳаларининг номланиши кейинги йилларда бир неча бор ўзгарди. Бироқ, мақсад сари интилишлар самара бериб, ишни ташкил этишга ижобий таъсирини ўтказмоқда.

– Ҳукуматимиз томонидан кўп қаватли уйлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини юқори босқичга кўтариш ҳамда етарли қулайликларни яратиб беришга доимий эътибор қаратиб келинмоқда, – деди Самарқанд шаҳридаги “Олтин аср” профессионал бошқарув ташкилоти ижрочи директори Уткир Абдуқулов. – Соҳани бошқаришга оид қатор қарорлар қабул қилинаётгани ҳам мақсаднинг устуворлигидан далolat беради. Мухими, коммунал соҳадаги бошқаруving шифофлиги, уй-жой эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилгани фуқароларнинг мулкка нисбатан боқимандалик кайфиятига барҳам бериди. Шунингдек, бошқарувда фаол иштирок этишини ҳам таъминламоқда.

Узоқ йиллар ушбу соҳада катта тажриба орттирган мутахассис Хайринисо Шатанова таъсис этган “Олтин аср” компанияси жамоаси ва унинг тасарруфидидаги “Самарқанд умидли ҳамкор” шўъба корхонаси юздан ортиқ кўп қаватли уйлар аҳолисига хизмат кўрсатяпти. Анкироғи, ҳудудда 180 та кўп қаватли уй, 3 та мактаб, 5 та МТТ, 3 та поликлиника ва 10 та кўча бор.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишчилар 12 та ҳудудга бўлинган ва ҳар қайсига бир нафардан уста бириктирилган. Улар бугун “Устоз-шоғирда” анъанасига муносиб равишда иш юритишмоқда. Ишчи-хизматчилар эса 92 нафарни ташкил этади ва 10 та ширкат кўп қаватли ҳамда яқка тартибда қурилган уйларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатади. Мавжуд ширкатларда ҳам тартидан малакали мутахассис, чилангар, электрик, боғбон, фаррош сингари касб эгалари, кўплаб техник ходимлар ишлашмоқда.

Аmmo айтиш керакки, ширкатларни малакали ишчи-хизматчилар билан таъминлашга эришиш қийин кечмоқда. Хар доим коммунал соҳадаги бир қатор касб эгаларига эътиёж катта бўлиб келган ва бугун ҳам шундай. Бу эса жойлардаги ободончилик ва орасталик ишларининг кўнгилдагидек амалга оширилишида айрим камчиликларни келтириб чиқаради. Шунга қарамай, ходимлар уларни бартараф этишга ҳаракат қилаётганини таъкидлаш ўринлидир.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шерзод Ҳидоятлов, Давронжон Адиллов, Жалол Арашов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элюмuroв, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

- Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
- Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
- Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
- Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МАУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎЗАГШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: 71-208-12-00 (қабулхона), 71-208-12-00 (таҳририят), 71-208-12-00 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
- Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
- Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
- Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
- Қаشقадарё вилояти:** 90-287-50-29.
- Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
- Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
- Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
- Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
- Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
- Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
- Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-737. 1643 нусхада босилди. Қўзғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – М. Ҳайдаров.

Ўза якуни – 22.45. Топшириди – 23.30.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Азиз Рустамов**, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Зухриддин Нажмидинов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Рустам Ҳудоев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи **Исmoilхўжа Абдурахмонов**, Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги “Орзу-нур ПБК” МЧЖ бош директори **Нуриддин Хусанов**, Миришкор туманидаги “Миришкор Бошқарув сервис” МЧЖ БСК раҳбари **Феруза Джурраева**, Нишон туманидаги “Nuriston Gold Ztar” РВК МЧЖ бош директори **Алиқул Жамолов**, “Siz Rate Travel” МЧЖ бош директори **Илёр Сатторов**,

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши Жиззах вилояти кенгаш раҳбари **Зулпан Сафаров**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Соф коммуналчи-лар БСК” раҳбари **Ёқуб Раҳимов**,

“Ташгипрогор” АЖ 2-сонли архитектура-қурилиш сектори гуруҳ раҳбари **Ойбек Алинбеков**, 1-сонли архитектура-қурилиш сектори ГАП раҳбари **Александр Каширин**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги “Фарғона файз нақши жаҳон” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Дилфуза Назимова**, Марғилон шаҳридаги “Имрон Зилол Коммунал Хизмат” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Ирода Исақова**, Қўқон шаҳридаги “Хо’қанди Латиф Boshqaruv Tashkiloti” МЧЖ бош директори **Маъмуржон Манмаджанов**, Бешарик туманидаги “Водий Муссафой Ҳаёт 2022” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Сарвар Тожматов**,

Андижон вилояти, Ҳўжаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ҳайратжон Абдухалилов**,

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Вахор City” БСК раҳбари **Эшмўмин Исламов**, Сергели туманидаги “Аva-boshqaruv kompaniyasi” раҳбари **Муйиддин Сатторов**, Шайхонтоқур туманидаги “Yangi Jangox Plus” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Гульмира Асқарова**, Юнусобод туманидаги “Мумтоз сервис” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Гулнора Атажанова**, Яккасарой туманидаги “RBB Billur Toq” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Ботир Раҳматуллаев**ларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси назорат бўйича инспектори **Дилшод Рашидов**,

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Архитектура ва қурилиш бўйича шаҳар ва туманлар бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Жаҳонгир Назаров**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Жасур Бобоҷонов**,

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси – архитектор **Дилнавоз Мавланова**,

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” Давлат унитар корхонасининг 2023 йил 18 июль кунги 23-сонли алоқа хатига асосан, Нукус шаҳри, Беруний кўчаси 20-уйда сақланаётган, корхона балансидаги асосий воситалари бўлган қоникарсиз ҳолатдаги таъмирталаб компьютер техникалари, мебель ва офис буюмлари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 8 364 032 сўм.

Кўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО ОИ121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган охири мuddати: қабул қилишнинг бир кун олдин соат 18.00 гача. Савдо голиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога **Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй. **Тел.:** 61-222-84-44. **Расмий сайтими:** www.rtmn.uz

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик Матбуот котиби – вазирнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Саидномир Усмоновга отаси **Саидкарим УСМОНОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия ихор қилади.